



1. Куръон кироат килиш ва уни ўргатишга ҳақ олиш:

Куръон ўргатиш фарзи кифоядир. Куръонни ёддан, мутавотир ҳолда накл килиш узилиб колмаслиги, унга ўзгартириш ва бузиш кирмаслиги учун уни ёдлаш эса бутун умматга вожибдир.

Бухорий Усмон (розиаллоху анху)дан килган ривоятида:

«Набий (соллаллоху алайхи васаллам): «Энг яхшингиз – Куръонни ўрганган ва уни ўргатган кишидир» , деганлар.

Куръонни кироат килиш ва ўргатиш учун ҳақ олиш борасида фукаҳоларнинг карашлари турличадир.

Жумхур уламолар, жумладан, имом Молик ва Шофеийлар бу иш учун ҳақ олиш жоиз, дейишган. Улар бунга далил сифатида куйидаги ҳадисни келтиришади:

Ибн Аббос (розияллоху анхумо)дан ривоят килинади:

«Набий (соллаллоху алайхи васаллам): «Эвазига ҳақ оладиган нарсаларингизнинг энг ҳақлиси Аллохнинг Китобидир»
дедилар».

Бухорий ривоят қилган

Буни Бухорий ва бошқалар қилган куйидаги яна бир ривоят ҳам қўллаб-қувватлайди. Унда Набий (алайхиссалом) кишининг аёлига ўргатган Куръонни махр ўрнига қўйиб, **«Ёдлаган Куръонинг эвазига сени унга уйлантирдик»**, деганлар».

Ханафий мазхаби уламолари эса Куръон кироати ва таълими учун ҳақ олиш ҳаром, дейишган. Улар бунга далил сифатида Абу Довуд Убода ибн Сомитнинг шундай деганини келтиришган: «Суффа ахлидан бир канча одамга ёзиш ва Куръонни ўргатдим. Улардан бири менга камон ҳадя қилди. «Мени _____ нг ҳеч қандай молим йўқ эди

,
энди
бу билан Аллох йўлида ўк
от

аман», дедим. Кейин бориб: «Эй Аллохнинг Расули, ёзиш ва Куръонни ўргатиб юрганларимдан бир

и
менга камон ҳадя қилди.

Менинг молим йўқ эди. У билан Аллохнинг йўли

д
а ўк
от

сам бўладими?» дедим. Шунда у Зот:

«Оловдан бўлган бўйинбогинг бўлишини хохласанг, уни олавер»
, дедилар».

Шунингдек, имом Аҳмад ва Баззорлар қилган ривоятда «Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам): **«Куръон ўқинглар. Унда ҳаддан ҳам ошманглар, узоклашиб ҳам кетманглар, уни тирикчилик воситаси ҳам қилиб олманглар»** , деганлар».

Аллома Ибн Обидиннинг хошиясида («Роддул мухтор ʻала дуррил мухтор» да) шундай дейилган :

«(Ханафий) мазҳабга кўра, тоат-ибодатларда бировни ижарага олиш жоиз эмас ,

чунки мусулмон киши ўзи бажариши керак бўлган тоат-ибодатлар учун бошқа бировни ижарага олиб бўлмайди . Бунинг сабаби шуки, банда қилиши керак бўлган ҳар бир ибодат унинг ўзидангина қабул қилинади, бошқалардан эмас. Агар у ўша ибодатни бажаришга ҳақли бўлмаса, ундан қабул қилинмайди. Шунинг учун бунинг эвазига бошқадан ҳақ олиш жоиз эмас ».

Лекин мутааххир ханафий уламолар айрим тоат-ибодатлар учун зарурат юзасидан ҳақ олса бўлади, дейишган . (Масалан, қорилар тирикчиликка машғул бўлиб кетса) Куръоннинг зое бўлиш хавфи бориши учун уни ўргатиш учун ҳақ олиш жоиз , дейишган. Шунингдек, одамлар диний аҳкомлар борасида жохил бўлиб қолмаслиги учун фикҳ ва бошқа шаръий илмларнинг хам ҳақ олиш жоиз , дейишган. Яна азон, имомгарчилик, хатиблик, дарс бериш ва воизлик учун ҳам ҳақ олса

бўлади

,
дейи

л
ган. Аммо кабристонларда, тўй ва азаларда Куръон ўқиш учун одам ёллаб бўлмади

,
чунки бунга зарурат йўқ.

Мўминнинг калби таскин топадиган иш – Куръон кироатини касб ёки тиланчилик
воситасига айлантириб олмасликдир. Айрим тўй ва азалардаги каби Куръонни хушўҳис

,
ма

ъ
ноларини тадаббур
килмай

ўқимаслик керак. Одамлар Куръоннинг ма

ъ
ноларини тадаббур килмай ёки фаххламай

,
«ох-ох

»

де
б, корининг овозидан завкланишлари шак-шубҳасиз ҳаромдир.* Бу

холат

га
индамай

туриш

ҳам

жоиз эмас.

** Масалан, азоб оятлари ўқиладиган бўлса, бунинг маъносини тушунмай, оҳангига ром бўлиб, мусикадан лаззатлангандек лаззатланиш мумкин эмас. Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам) раҳмат оятларини ўқисалар, Аллоҳдан раҳмат сўрардилар, азоб оятларини ўқисалар, бу азоблардан Аллоҳдан паноҳ сўрардилар.*

2. Куръон билан даволаш:

Куръон билан даволаш (руқя килиш) – касалга шифо топиш мақсадида Куръон ўқиш дам

солиш жоиздир. Бунинг эвазига ҳақ олиш ҳам жоиз.

Бухорий ва бошқа имомлар Оиша (розияллоху анҳо)дан ривоят килишади:

«Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) бирор киши ҳаста бўлиб колса, муъаввизотлар* билан дам солардилар».

Бошқа бир ривоятда: «Касал бўлиб колсалар, муъаввизотларни ўкиб ўзларига дам солардилар. Вафот топган касалликларида ҳаста бўлиб ётганларида у Зотга ўзим дам солардим, ўз кўллари билан ўзларини силардим, чунки (кўллари) кўлимдан кўра баракотлироқ эди».

* *Фалак ва Наас суралари.*

Бухорий, Муслим ва бошқалар Абу Саид Худрий (розияллоху анҳо)дан ривоят килишади:

«Юришлардан бирида (бир жойда дам олгани) тушдик. Бир жория келиб, «Кабиламиз бошлиги ни чаён чак иб олди . Эркакларимиз йўк. Ичингизда дам соладиган одам борми?» деди. Бир киши туриб, у билан бирга кетди. Биз унинг дам солишини билмас эдик. У дам солган эди, (кабила бошлиги) тузалиб қолиб, унга ўттизта кўй (беришни) буюрди, бизларга сўт улашди. У қайтгач, «Дам солишни яхши биласанми? [ёки «Дам солиб юрармидинг?»] дедик. У: «Йўк, Уммул □ китоб* билан дам солдим, холос», деди. «Набий (соллalloху алайхи васаллам)га боргунимизча [ёки сўрагунимизча] ҳеч нима қилмай туринглар», дедик. Мадинага келгач, буни Набий (соллalloху алайхи васаллам)га айтдик. У Зот: **«Унинг рука эканини қаердан билибди?»** (Кўйларни)

таксимланглар, менга ҳам улуш ажратинглар»
, дедилар».

** Руқя – турли ёмонликлардан паноҳ сўраб, шунингдек, оғрик, кўркинч, шайтон ва сеҳрдан тузалишни сўраб ўқиладиган зикрлар. Буларни ўқиб дам солиш ҳам руқя дейилади.*

** Уммул-китоб – Фотиҳа сураси.*

Шофеий ва бошқалар ушбу ҳадисни далил қилиб, юқорида айтилганидек, Куръон кироати эвазига ҳақ олиш жоиз дейишган. Уларнинг наздида таълим учун кироат килиш билан даво учун кироат килишнинг фарқи йўқ.

Бирок, ханафий мазхаби уламолари ушбу ҳадисга жавобан шундай дейишган: «Руқя тиловатни
а
ҳақ олиш жоиздир».

Мухаммад Али Мухаммад Юсуф тайёрлади